
ЭЛ ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Фарғона тумани ҳокими Шухратжон Мўминовнинг кеча тумандаги барча корхона, ташкилот раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда синовли кунларда ҳамжиҳатлик билан ишлаш, тартиб қоидаларга қатъий риоя қилиш ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича берган топшириқларини ижросини таъминлаш мақсадида туманда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Туман Санитария - эпидемиологик ва осойишталик маркази ходимлари томонидан туманнинг ҳар бир ҳудудида дезинфекция ишлари режа асосида давом этмоқда.

Хусусан, бугуннинг ўзида Водил, Миндон, Чимён, Лоғон, Аввал, Чекшўра ўрамидаги барча савдо мажмуалари, қассобхоналарнинг ички ва ташқи томонлари, деҳқон бозорлари шунингдек,

Бундан ташқари, Covid-19 пандемияси даврида аҳоли ўртасида касалликни эрта аниқлаш ва алоҳидалаш мақсадида туман ҳудудида жойлашган дехқон бозорларида хизмат кўрсатувчи ходимлар ва сотувчилар профилактик назоратдан ўтказилмоқда. Бугун Миндон қишлоғида бир неча киши мутахассислар томонидан профилактик назоратдан ўтказилди.

-Туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази зарарсизлантириш бўлимининг 11 нафар дезинфекторлари ва 59 нафар бандлик томонидан ишга жалб этилган кўнгилилар томонидан бугун 149 кг гепаклор натрий 79 кг гепаклор СА зарарсизлантирувчи воситалари билан 54720 м.кв. майдонда ялпи зарарсизлантириш ишлари олиб борилди. Бу ҳайрли ишларда Иқболлой Мадраҳимова, Назокатхон Хожиева, Аъзамжон Болтабоев, Абдулқосим Маҳмудов, Нафосатхон Ҳомидова, Наврўза Отабоева, Гулҳаё Раҳмиддинова, Шохсанам Юнусова сингари 11 нафар дезинфекторлар, 59 нафар кўнгиллилар, фаоллик кўрсатмоқдалар, дейди- дезинфекция тадбирлари бўлими мудирини Жавлонбек Мирзаҳайитов.



2020-07-23 13:49:20